

Тафаккур қилайлик ёки карантинда нималарга улгурдим



11:09 / 26.07.2020 2307

Сершовқин кўчаларни, ҳар куни яқинингдек ҳол-аҳвол сўрагувчи тенгдошларни, қучоқ очиб бизга билим берувчи устозларни эслаган сайин юрагинг бир энтикади. Ўша дамларни қанчалик соғинганимни сезаман. Афсуски, карантин туфайли уларни кўришга имкон топа олмадим.

Бу касаллик биз учун берилган синовдир. Буни албатта Аллоҳ таоло илоҳий ҳикмати билан яратгандир. Ахир карантиннинг ҳам яхши ва ёмон томонлари борку. Масалан бир неча йиллардан бери емирилиб бораётган атмосферадаги азон қатлами шу карантин даврида қайта ўнгланди, вирус туфайли дунёнинг 45 жойида авж олиб бораётган уруш барҳам топди, йирик шаҳарлардаги ифлосланган ҳавонинг 75 фоизи тозаланди. Шунингдек, биргина вирус дунёдаги барча инсонлар тенг эканлигини исботлади, дунёнинг кўринишини тубдан ўзгартирди.

Жимитдек вирусдан қўрқиб, инсонлар тозалikka ҳаддан зиёд эътиборли бўлиб қолишди, сувдан ва совундан фойдаланиш, шахсий гигиена юқори чўққига чиқди. Балки, кўринмас ёвнинг пайдо бўлиши ортида ҳам биз яхши англамайдиган ҳикмати бордир.

Шахсан мен карантин даврида узоқ вақтдан бери улгурмаётган барча ишларимни якунладим, инглиз ва рус тилларини ўрганапман, «Hilol eBook» дастури орқали электрон тарзда чиқаётган 31 дона китобни ўқидим, жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир асарларини тамомладим, диний ва дунёвий билимларим анча кенгайди.

Албатта, коронавирус пандемияси сабаб юзага келаётган зиён-зарарлар жуда улкан. Айниқса, энг ёмони инсонлар ҳаётига раҳна солаётганидир. Бу касалликни ҳақиқатда 21 асрнинг вабоси десак муболаға бўлмайди.

Азиз юртдошлар, дўстлар, тафаккур қилайлик буларнинг барчаси Яратганнинг бизга берган синовидир. Вақт борида Аллоҳнинг берган неъматларидан унумли фойдаланайлик, синовларга бардошли бўлайлик. Биз вирусни бирга енгамиз. Эркин, карантин ва чекловларсиз ҳаётга қайтамиз. Иншааллоҳ, яхши кунлар ҳали олдинда.

Манба: grandtalim

Мунира Умаралиева